Ушбу сонда:
2 САЙЛОВЧИ ФИКРИ
3 *Муаммо кўндаланг қўйилди* ДЕБИТОР ҚАРЗ-ТАРАҚҚИЁТГА ТЎҒАНОҚ
4 *Маънавиятимиз сарчашмалари* СУҚРОТ ЎГИТЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 ноябр, чоршанба № 155 (802)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*«Пахта - 99»*

## РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Иштихон тумани деҳқонлари қабул пунктларига 29 минг 960 тонна қимматли саноат хомашёси етказиб бериб, пахта тайёрлаш режасини бажарди. 10 минг 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 28 центнердан ҳосил кўтарилди. Режага қўшимча 1500 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилинди.

* * *

Андижон вилояти қўриқ Улуғнор тумани деҳқонлари ўз сўзининг устидан чиқди. Улар салкам 31 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйди. Гектар бошига ўртача 20,7 центнердан ҳосил кўтарилди.

Пахтакорлар даладаги ҳосилни сўнгги мисқолигача териб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

*** Олий Мажлисга сайлов компанияси билан айни бир пайтда ўтаётган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов жараёни муҳим довон ошди - депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўхтатилди.**

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

Маълумки, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қонунга биноан сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги ҳақида бугун-эрта матбуотда хабар берилади. Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини /машғулотининг турини/, иш ва турар жойини, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номини қайд этган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилади.

* Депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан сайлов компаниясида навбатдаги муҳим босқич - сайловолди ташвиқоти бошланади.

Сайловолди ташвиқоти қонун доирасида амалга оширилиши ҳамда барча номзодлар учун тенг шароитлар яратилиши юзасидан қонунда аниқ нормалар белгиланган. Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг ҳуқуқ берилади. Бундан ташқари депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда ҳам тенг ҳуқуқ берилади.

* Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан йиғилишлари ва учрашувлари ҳам қонунда белгиланган нормалар асосида ўтказилади.

Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Бундай йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратилади. Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан йиғилиш ва учрашувлари иш вақтидан бошқа пайтда уюштирилади. Бундай йиғилиш ва учрашувларда барча сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларни бера олишлари ҳамда депутатликка номзод билан яқиндан танишиб олишлари учун ушбу тадбирлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

* Сайловчилар бундай йиғилиш ва учрашувларда қонун доирасида депутатликка номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Сайловолди ташвиқоти жараёнида номзодлар ҳамда уларнинг ишончли вакиллари ҳам қонун доирасида иш кўрадилар. Ташвиқотни ҳар қандай шаклда олиб бориш мумкин. Унинг қайси шаклини афзал билиш, қайси шаклидан фойдаланишни депутатликка номзодларнинг ўзлари танлаб оладилар. Лекин улар ўз сайловолди дастурини баён этиш, сайловчилар онгига етказишда қайси йўлдан боришларидан қатъи назар, ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Ахборот хизматлари бундан мустаснодир. Ана шу нормага риоя этган ҳолда ташвиқотни истаганча давом эттириш мумкин ва энг муҳими, ташвиқот сайлов кунигача давом этишини унутмаслик лозим. Сайлов куни эса ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларни оммавий ахборот воситаларида ёритишга кўмаклашувчи Олий Мажлис матбуот маркази**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни тобора яқинлашмоқда.**

## ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК

* Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг муҳим жиҳатларидан бири - очиқлик ва ошкораликдир.

Барча сайлов комиссиялари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови тараддуди ва уни ўтказишни очиқ ва ошкора амалга оширишлари талаб этилади.

Сайлов комиссиялари ўз ҳудудларидаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, улар жойлашган манзил ва уларнинг ишлаш тартибидан хабардор этадилар, сайловчиларнинг рўхатларини, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг номларини маълум қиладилар ва улар билан таништирадилар, кейинчалик, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотномаларни, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги хабарларни матбуотда эълон қиладилар. Шу зайл сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давридаги барча тадбирларга ошкоралик бахш этилади.

* Ўзбекистон Республикасининг барча оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боришлари шарт.

Умуман, сайловнинг очиқ ва ошкора ўтишини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли катта эканлигини эътироф этмоқ лозим.

Маълумки, «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кўриниб турибдики, матбуот вакилларига сайлов компаниясини ёритиб бориш билан бирга, у тўғри ва қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳам берилган. Лекин, матбуот, телевидение ва радио вакилларининг сайлов жараёнида иштирок этиши муайян қоида асосида бўлади, бинобарин, уни барча журналистларга бирдек берилган ҳуқуқ деб бўлмайди. Сайловнинг ана шу жараёнларида иштирок эта олиши учун оммавий ахборот воситалари вакилларининг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим. Бошқа кузатувчилар сингари матбуот вакиллари тўғрисида ҳам округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолгунга қадар маълум қилинади.

* Кузатувчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда қатнашишдан иборат ҳуқуқлари ҳам қонун билан белгилаб қўйилган.

Округ сайлов комиссияси аризалар олинганидан кейин беш кун ичида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайдиган намунадаги мандатни кузатувчилар учун беради. Рўйхатдан ўтган барча кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш; овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баёнларини тузишда ҳозир бўлиш; сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш; агар сайлов участкасида қонунбузарликка йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос мавжуд бўлса, бу хусусда юқори комиссияга маълум қилиш ҳуқуқларига эга бўладилар.

**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларни оммавий ахборот воситаларида ёритишга кўмаклашувчи Олий Мажлис матбуот маркази**

## НАМУНАЛИ ЛИЦЕЙ

Пойтахтимиздаги 309-лицей эса ўз кўрсаткичлари билан барчага ўрнак бўлса арзийди. Ҳинд, урду, араб, форсий каби қатор Шарқ тилларини ҳамда инглиз тилини ўргатувчи мазкур лицейда республикамизнинг энг фаол ва билимдон мураббийлари жамланган.



«Халқ таълими фидойиси» нишондори Мукаррам Мирзаева ёшларга ҳинд тилидан сабоқ берса, Шоҳиста Юсупова йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида араб тилининг гўзалликларидан ўқувчиларни баҳраманд этиб келмоқда.



Кундалик ахборотларни жамлаш, уни таҳлил қилиш ва ўрганишда информатика ва ҳисоблаш техникаларининг роли беқиёсдир. Шу сабабдан ҳам лицейда бу фанга бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Бунда салкам чорак асрдан буён болаларга информатика ва ҳисоблаш техникасидан сабоқ бераётган Инобат Азимованинг ҳам хизматлари каттадир.

Лицейда инглиз тилини ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий тоифали ўқитувчи Гулида Муродова малакали педагоглардан ҳисобланади. Ўттиз йилдирки, у ўқувчиларни дунёнинг ярмидан кўп аҳолиси тиллашадиган инглиз тили билан ошно қилишга интилади.

У нафақат меҳрибон мураббий, балки фаол ижодкор ўқитувчи ҳамдир. «Инглиз тилидан чуқурлаштирилган билим бериш дастури»(1993), лицей ўқувчилари учун «Торiслар» тўплами (1996) каби дастур ва дарсликлар ҳам унинг қаламига мансуб. Шунингдек, бу тиниб-тинчимас мураббий дарсдан ташқари тадбирлар ўтказишда фойдаланиш ҳамда мактаб ва лицейларда мавжуд тўгараклар, «Ўзбекистон - Буюк Британия» телекўриги ва кўпгина бошқа тадбирлар учун сценарийлар тузишга, инглиз тилини ўқитишга бағишланган симпозиум ва анжуманларда қизиқарли мавзуларда маърузалар қилишга ҳам вақт топа олади.

Шундай фаол, билимдон ва ижодкор ўқитувчилар таълимини олаётган эртанги кун бунёдкорларининг буюк келажак қуришларига дил-дилдан ишонгинг келади.

**Темир ҚУРБОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда: 1. Мукаррам Мирзаева ўқувчиларга ҳинд тилидан сабоқ бераяпти. 2. Ўқувчилар информатика ва ҳисоблаш техникаси сирларидан воқиф бўлишмоқда.**

**Р.АЛЬБЕКОВ**
**олган суратлар.**

## Марказий сайлов комиссиясида

Марказий сайлов комиссиясида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун навбатдаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тугагани ҳақида гапирди. Комиссия томонидан мамлакатнинг бешта сиёсий партияси, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатган номзодлар рўйхатга олинган.

Нажмиддин Комилов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, 90 кишининг аризаси у ёки бу сабабларга кўра рўйхатга олинмаганини таъкидлади. Рўйхатга олинмаганлар иккита гуруҳга мансуб: биринчи гуруҳдагилар бошқа органлардан кўрсатилгани учун ўз номзодларини соқит қилди. Бундай ҳоллар сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган номзодлар орасида кўп учради. Иккинчи гуруҳдагиларнинг кўпчилигини мустақил номзодлар ташкил этиб, уларни рўйхатга олмасликка ҳужжатлар ўз вақтида топширилмагани ёки нотўғри расмийлаштирилгани, номзодларни қўллаб-қувватловчи фуқаролар имзолари сохталаштирилгани, айрим номзодларнинг эса жиноий жавобгарликка тортилгани сабаб бўлди.

Номзодлар Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинганидан сўнг сайлов жараёнининг иккинчи босқичи бошланади: мустақил номзодлар, ҳокимият вакиллик органлари ва сиёсий партиялар номзодларига сайлов олди ташвиқотини бошлашга рухсат этилади. Қонунга кўра, оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқотининг олиб борилишини Марказий сайлов комиссияси назорат қилади.

**(ЎзА)**

**Пахтабанк раҳбарининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли 70 кун мобайнида пенсия ва нафақалар ўз эгаларига етиб бормади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ кунга бормасдан фош этилди...**

## ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА

### ЭГАСИГА НЕГА ЕТИБ БОРМАДИ?

*фельетон*

Шайтон йўлдан урса ҳолинг хароб экан. Мирзаобод туманидаги Наврўз «Пахта банки» бошқарувчиси Камолиддин Маматовни «қора курси» сари етаклаган ҳам ўша. Кўзни чирт юмиб бирин-кетин ғайриқонуний ишларга қўл урди. Хўш, Камолиддин қандай қилиб тўғри йўлдан адашди? Уни қонунни бузишга ким мажбур этди? Балои нафсми, таниш-билишчиликми ёки... Нима бўлганда ҳам нуфузли банк ходими омонатга хиёнат қилди. Қариялар, нафақахўрлар насибасига чанг солди. Афсус... Яхшиси, жиноят иши тафсилоти билан танишайлик.

Ўтган йилнинг 28 майида Мирзаобод машина-трактор саройи акционерлик жамияти ҳамда Қўрғонтепа туманидаги «Обод-3» хусусий фирмаси ўртасида шартнома тузилди. Унга кўра, хусусий фирма МТПга 1 миллион икки юз минг сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлар етказиб берган. Ўз навбатида туман МТПси тўрт юз минг сўм пул ўтказади. Саккиз юз минг етти юз сўм қарздор бўлиб қолади. Андижонлик тадбиркорлар олмоқнинг бермоғини унутган шериклари ортидан кўп югуришади. Шу орада МТП бош ҳисобчиси Х.Пирматов ташкилот ҳисобига пул тушса, уни «Обод-3» фирмасига ўтказиб беришни банк раҳбариятидан илтимос қилади. Камолиддин Маматов бу ишга ўз-ўзидан енг шимариб киришиб кетади. У ўйлаб-нетиб ўтирмасдан 1999 йил 15 январ куни пенсия жамғармаси ҳисоб рақамида турган 505 минг сўм маблағни ғайри қонуний равишда МТП ҳисоб-рақамига ўтказади. Худди шу куни ҳужжат сохталаштирилади, яъни саналарни ўзгартириб бу пулни «Обод-3» хусусий фирмаси ҳисоб рақамига туширади. Бор гап шу. Сих ҳам, кабоб ҳам куймади гўё. Фақатгина пенсия ва нафақахўрлар икки ойдан кўпроқ вақт пул кутишди. Пенсия жамғармаси маблағидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлиги, шартнома шартларини бузганлиги учун «Пахта банки» бор-йўғи 176 минг 750 сўм зарар кўрди. Камолиддин Маматов ўзини хон, кўланкасини майдон билди, шекилли, яна бир марта қош қўяман деб кўз чиқарди. Унинг лоқайдлиги бу сафар ҳам қимматга тушди.

Тадбиркорда тиним йўқ. Фойда илинжида ўзини ўтга-чўққа уради. Қоракўл туманидаги «Жобирбек» хусусий савдо дўкони раҳбари Ч.Эргашева ҳам фойда олиш мақсадида чўли Малик орқали пойтахт сари йўлга тушади. Туз-насибани қарангки, у Мирзаобод тумани минерал ўғитлар базаси бош ҳисобчиси Комил Дўсмуродов билан танишиб қолади. Суҳбат асносида Ч.Эргашева «Нусрат бобо» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига тегишли бўлган ва унга ишониб топширилган 1 миллион 180 минг сўмлик 20 минг квадрат метрли рубероид, қиймати 819 минг 640 сўмлик 1322 дона шиферни пуллаш мақсадида юрганини айтади. Комил ўзи ишлаётган ташкилот бу қурилиш жиҳозларини жон деб сотиб олишини айтади. Ўртада қарсиллатиб қўл ташланди. Юк автомобиллари йўналиши Боёвут туман «Деҳқонобод» хўжалиги томон ўзгаради. Йўл, мижоз ахтариш азобларидан қутилган мол эгалари ҳам мамнун.

Аслида минерал ўғитлар базаси ҳисоб рақамида бир тийин ҳам йўқ эди. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек Комил Дўстмуродов йўлини топди. Ўз мансабини суиистеъмол қилиб, Наврўз «Пахта банки»дан икки миллион сўмлик кредит сўрайди. Бошлиқнинг имзосини ўзи гажакдор қилиб қўйган ҳужжатлар банкка тақдим этилади. «Пахта банк» бошлиғи ҳам кимга қарз беришни билмай турган экан чоғи, уни пешвоз қаршилади. Ҳатто ҳужжатлар ҳақиқийлигини текшириб ҳам кўрмади. Ташкилот раҳбарини хабардор қилиш, огоҳлантиришни ҳам унутди. Боз устига, ташкилотнинг қарз олишга зарурати бор-йўқлигини ҳам суриштирмади. 2 миллион сўм кредитни 135 минг 333 сўм устама фоиз билан база ҳисобига ўтказиб берди. Одамлар не машаққатлар билан эриша олмаган кредитга ўроқда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозир К.Дўсмуродов эга чиқди-қўйди. У бу пулларни Бухорога «Жобирбек» хусусий дўкони ҳисобига жўнатди. Бироқ Бухорода мақсадсиз жўнатилган пул ортга қайтарилди. Уч кундан сўнг Ч.Эргашеванинг кўрсатмасига биноан 2 миллион сўм «Нусрат бобо» фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Ўрага сичқон тушди гулдир гуп. Тадбиркорликни қаранг, К.Дўсмуродов бир зумда «бойваччага» айландиқолди. Қурилиш анжомларини пуллаб ҳамёнга урди. Бироқ на рубериод, на шифер ташкилотга кирим қилинди. Туман минерал ўғитлар базаси 2 миллион 135 минг 333 сўмлик қарз гирдобида қолиб кетадигандек эди. Бироқ, «қаҳрамонимиз» тезда тумшуғидан илинди.

Банк бошқарувчиси ҳар иккала ҳолатда ҳам ўз мансабини суиистеъмол қилиб, жиноятга қўл урди. Жиноятчига эса жазо муқаррар. Фирибгарлиги учун Комил Дўсмуродов тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Республика Президентининг 9 май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисидаги фармонига асосан тайинланган жазо олти йил муддатга қисқартирилди. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилди. Минерал ўғитлар базаси ҳисобига келтирилган зарар ундириладиган бўлди.

Камолиддин Маматов эса умрининг 2 йилу 4 ойини панжара ортида ўтказиб, ўз хатоларидан тегишли хулоса чиқариб олса, ажаб эмас.

**Муҳаммаджон ЯХШИБОЕВ,**
**Мирзаобод туман суди раиси.**
**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

**Инсоният ўзининг узоқ ўтмиши давомида ғоятда бой меросга эга бўлиб, улар асосида авлодларда инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, меҳр-оқибат, биродарлик, одоблилик каби умуминсоний фазилатларни тарбиялаб келган.**

**Биз сув ичган тиниқ чашмалар, олам аҳлини лол қолдириб келган Шарқ мутафаккирлари ҳамда эрамиздан аввалги даврларда яшаб ижод этган Ғарб донишмандларининг таълим-тарбияга, одоб-ахлоққа, том маънодаги маънавиятга оид асарлари, ҳикматли сўзлари, пурмаъно фикрлари ҳам ана шундай бой меросга киради.**

**Азиз муштарий! Таҳририятимиз Сизнинг таклиф ва истакларингизни инобатга олиб, мазкур меросдан ўз ўқувчиларини ҳам баҳраманд этиб боришни режалаштирди. Ишонамизки, «Маънавият сарчашмалари» рукнида бериб бориладиган мақола, ҳикоят ва ривоятлар, ҳикматли сўз ва маърифий шеърлар маънавиятингизни бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, ўз навбатида бу материаллар асосида туғилган фикр-мулоҳазаларингиз, муносабатингиз битилган мактубларни ҳамда Сизга маълум бўлган ибратли ҳикоят ва ривоятларни кутиб қоламиз.**

# СУҚРОТ ҲИКМАТЛАРИ

Антик дунёнинг буюк донишмандларидан бири бўлган Суқрот эрамиздан олдинги 469-399 йилларда яшаб ижод этган. Ўзидан катта ижодий мерос қолдирган қомусий олимнинг илмий салоҳияти ҳамон инсониятни лол қолдириб келмоқда. Биз бугун алломанинг фақатгина одоб-ахлоққа оид ҳикматларидан бир чимдимини муштарийлар ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз. «Руҳни даволамай туриб, - деганди Суқрот,- танани даволаб бўлмайди». Алломанинг фикрича, одамнинг руҳи касал бўлса, унинг дунёқараши хиралашади, инсоф, диёнат деган тушунчалар туман орасида қолади.

Мустамлакачилик сиёсати, мутелик, қарийб бир ярим асрлик истибдод давридаги маънавий зуғум кишиларни бефарқ қилиб қўйган, руҳи шикастланган, дунёқараши хира тортган эди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг саъй ҳаракатлари билан маънавиятимизни соғломлаштириш бобида жуда кўп тадбирлар амалга оширилаяптики, булар бугунги кунда ўзининг меваларини бермоқда. Ана шундай пайтда буюк алломаларнинг ўлмас ҳикматлари жуда қўл келади. Бу борада Суқрот мана бундай дейди:"Биз, - деб ёзган эди у, - қадимги донишмандларнинг ўз асарларида қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечирганда қандайдир яхши нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган ҳисобланамиз". Мустақил мамлакатимизда инсон руҳига таъсир қиладиган воситаларнинг жуда кўплари қўлланиляптики, шояд уларнинг натижалари эзгуликларга хизмат қилса, яхшиликларга олиб келса...

Қаноат, борига шукур қилиш, қийинчиликларга чидаш ҳам инсоний фазилатдир. Қаноатли одамлар сермулоҳаза, босиқ ва айни вақтда чидамли инсонлардир. Суқрот ҳакимнинг ушбу борада битган ибратли ҳикматларига эътибор беринг. «Оз нарсага қаноат қилган одам, - деганди Суқрот,- давлатманддир. Негаки бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради». Қаноатли одамлар борига шукур қилувчи, йўғига чидагувчилардир. Аммо аҳён-аҳёнда бўлса-да, айрим етишмовчиликлардан нолиб, гап чувалаштирувчилар ҳам топилиб қолади. Уларнинг «миш-мишлари» дилхираликка олиб келади. Ҳамма ишни мулоҳаза билан, ақлни ишлатиб ҳал қилса бўлади. Аммо зинҳор-базинҳор шошма-шошарлик, қуруқ сафсатабозлик билан бирор мақсадга етишиш амри маҳолдир. Шундай нозик ,пайтларда алломаларнинг ўгитларига қулоқ тутиш айни муддаодир.

Суқрот ҳаким кишилик жамиятининг устунларидан бўлмиш дўстлик ҳақида ҳам ажойиб гулдасталар тузган. «Одам дўстлари наздида, - деганди буюк аллома ўзи қандай баҳога лойиқлигини билса, улар учун янада қимматлироқ бўлишга интилса, яхши бўлур эди». Дўстларнинг қадрига етиш, дўстликни авайлаш, унинг баҳоси ҳақида аллома фикрлари ўринлидир. Инсон қанчалик дўстликни қадрласа, унинг меваси шунчалик тотли бўлаверади, чунки дўстлик инсониятнинг энг ажойиб кашфиётларидан биридир. Дўст, дўстлик ҳамиша ўзининг яхши томонлари билан одамларга хизмат қилиб келган. Дўстлар хурсандчилигингни оширади, ғамингга шерикдир.

Фаҳм-фаросат ҳам одамларга берилган ноёб хислат. Фаросатли кишилар бир сўз ёки имо-ишорадан тушуниб, ишини билиб қилаверади. Аммо айрим одамлар борки, уларга асло гап юқмайди. Хато устига-хато, нуқсон устига нуқсонни қалаштираверади. Бундайларга қарата Суқрот ҳаким шундай деганлар: «Сўз таъсир қилмаган одамга калтак ҳам ўтмайди». Ўзбек халқининг «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи» нақли сингари ушбу жумлалар қатида ҳам олам-олам маъно бордир.

Одам боласига сўз таъсир қилиши керак. Сўз таъсир қилмаганларни бетаъсир дейдилар. Улардан тангримнинг ўзи асрасин. Зеро тарбиявий сўзнинг таъсирчанлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

«Саломатлигини эҳтиёт қилиб юрган одам ўзига нима фойдалигини шифокордан кўра яхшироқ билади». Алломанинг мазкур фикрлари ҳам бежиз айтилмаган. Чунки саломатликни эҳтиётлаш ҳам оқиллик белгисидир. Таомнинг энг яхши қайласи, - деганди Суқрот,- нафсни тийиш».Дарҳақиқат, нафсни тийиш тани сиҳатликнинг бош омилидир. Хуллас, Суқрот ҳакимнинг панд-насиҳатлари, ҳикматлари инсониятга беминнат хизмат қилиб, унинг маънавиятини бойитиб келаяпти. Бундан кейин ҳам уларнинг доно фикрлари одамзотга хизмат қилаверади.

**Мусокул УСМОНОВ,**
**профессор.**

# КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ФИКРЛАР

Хом-ашё ресурсларини ҳадсиз-ҳисобсиз сарфлаётган халқнинг ҳайқириғи келгусида жилвир қоғоздаги қайроқ қумнинг битта ҳам заррасини ларзага келтиролмайди.

* * *

Ўз миллий шодасидан узилиб қолган хотира маржонлари манқуртликдан иборат инстинктларни инс-жинслар ёрдамисиз ҳам шакллантиради.

* * *

Ақлнинг офтобий сатрлари - миянинг офтобий сирти, ақлнинг асвадий сатрлари - миянинг асвадий сиртини ташкил қилади. Ҳар иккисининг ҳам йўқлиги бош мия пўстлоғини кальций карбонатидан ташкил топган тухум сиртидек силлиқ қилган бўлар эди.

* * *

Қадим китобларда замин бир бутун тирик жисм сифатида таърифланади, ернинг ҳар бир қуруқлик қисми - қитъа, минтақа ва ҳоказо ҳудудлар инсон аъзоларига ўхшатилади. Айтиш мумкинки, бирор бир халқ, у хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, ўз тарихий ватанидан ҳайдалса ёки босқинчилик йўли билан босиб олинса, жаҳон мижозида бузилишлар содир бўлиши мумкин. Ўша қадим китобларнинг нақл қилишича, Ҳиндистон ҳудуди жаҳон жисмида юрак вазифасини ўтармиш. Демак, усиз жаҳон мижозини - мижозлар фақат томир ушлаш орқали аниқлашини назарда тутадиган бўлсак, ҳеч тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ Бобур Мирзонинг ҳинд сари юз буриши жаҳон мижозида бузилишлар эмас, тузалишлар содир бўлишлигига олиб келганига тарих гувоҳдир. Бобур Мирзо нафақат дилбар шахс, шунингдек, жаҳон мижозини ҳам бениҳоя дилбар қилган буюк шахсдир.

* * *

Миллий мафкура халқ бағрининг бутунлиги, умрининг устунидир. Мафкура соҳасида бўшлиқнинг пайдо бўлиши халқнинг бағрини ҳавоси сўриб олинган бўшлиққа, умр устунини сомон чўпига айлантиради.

* * *

Мустақил давлатнинг мустақиллиғини мустақил ҳокимият тизимлари мустақиллиги таъминлайди. Буни давлатнинг тўртбурчак ичидаги мустақиллиги деб ҳам таърифлаш мумкин. Давлат идоралари тизими ҳокимиятнинг қонун чиқариш, ижроия, суд ҳокимлигига ажратиш тартиби асосида қурилади. Матбуот эса норасмий тўртинчи ҳокимият саналади. Қонун чиқарувчи, ижроия, суд ва матбуот ҳокимиятлари ўртасидаги тенг мустақиллик тақсимоти йўли билан, яъни мустақилликнинг тўртбурчакдаги ҳиссасини тенг тўртга ажратиш қоидаси асосида тақсимлаш таомили билан тўрттала ҳокимиятнинг ҳам тўла мустақиллиги таъминланади.

* * *

«Қиёмат бошланаётган чоғда ҳам қўлингдаги ниҳолни ўтқазишга улгуриб қолгин». Инсониятнинг ушбу ҳадисда ифодаланган юксак экологик онглилик даражасига эришишигина унинг ўзини экологик қиёматдан сақлаб қолади.

**Кудратилла ОҚБЕРДИЕВ.**



*Истиқлол берди бахтни*
*Яйраб даврон сурамиз.*
*Аждодлар орзу қилган*
*Келажакни қурамиз.*

*Ҳар тўғрида*

## ИЛОНЛАР ҲАЁТИДАН

Илон тухумидан бола чиқиши учун 25-32 даража ўртасида иссиқлик керак. Урғочи илон тухум учун бу шароитни ўз қорнида яратиб беради.

Қандай қилиб дейсизми? У йилнинг иссиқ пайтларида узоқ вақт қуёш иссиғида исинади, совуқ пайтларда эса иссиқроқ инларга, ер ёриқларига кириб олади.

Илонлар тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Баъзан бир хил илонларда, масалан, сув илон ва кўлвар илонда тухум қўйиш палласига қадар пуштлари ривожланиб, етилган бўлади. Тухум қўйилгандан кейин эса уларнинг ўсиш жараёни бошланади.

Тухумдан илон очиб чиқиш муддати ҳар хил бўлади. Масалан, Ўрта Осиёдаги кўзойнакли илон тухумининг етилиши учун 71-72 кун, сув илон тухумининг етилиш учун 48 кун, кўлвар илон тухумининг етилиши учун эса 35-41 кун кифоя. Тухум қанчалик оз муддатда етилса, у шунчалик кам нобуд бўлади. Тухум узоқ вақт туриб қолса, ё бузилади ёки бирон жониворга емиш бўлиб кетади.

Илонлар ўз тухумини босиб ётмайди, ҳатто уларни қўриқламайдилар ҳам. Пастқам жойларга, кемирувчилар инига, жар ёқаларига қўйиб кетаверади.

Бироқ ҳамма илон ҳам шундай қилавермайди. Баъзилари ўз насли учун бир қадар меҳрибонлик қилади. Масалан, сув илон тухумининг расмона етилишига иссиқлик кифоя қилмайди. Шу сабабли сув илон тухум қўйиш учун махсус иссиқ жой танламайди. Молхоналарда, гўнг ва хазон чириндилари ичида кўплаб илон тухумларини учратиш мумкин.

## ҲАЙВОНЛАР ҲАМ ҚАСОСКОР БЎЛАДИ

Ҳайвонлар яхши кишини ҳамиша эсда тутади. Аммо ўзларини ранжитганларни асло унутмайдилар.

Бир артист отга дағал муомала қилар, бўлар-бўлмасга хипчинлайверарди. Аламзада бўлиб юрган от бир куни пайт пойлаб ўша артистнинг қўлидан тишлаб чўрт узиб ташлаган экан.

Филлар ҳам қасоскор бўлади. Ҳайвон ўргатувчининг филига ишчилардан бири доимо тегажоғлик қиларди. У филларга нон узатар, лекин бермай яна қайтариб олар ё бўлмаса хартумидаги сезгир ва нозик тукни юларди. Борингки, филнинг жонига шундай теккан эдики, асли қўяверасиз. Ҳайвон уни кўрди дегунча, бесаранжомланиб ўкирар, оёқлари билан ер депсинарди.

Кунларнинг бирида филни суғоришга олиб чиққан хизматчилар орасида ҳалиги қитмир ишчи ҳам бор эди. У анқайиб филга жуда яқин бориб қолганини билмай қолди. Шу пайт хартуми билан уни бир четга тортиб, деворга шундай қисдики, бечора тил тортмай жон берди.

## ТУРЛИ ШАКЛДАГИ ШАХМАТЛАР

Шахмат ва унинг доналари ер юзи мамлакатларида ҳозир қарийб бир хил кўринишда. Лекин тамоман бошқача шаклдаги шахматлар бор экан.

Масалан, Мўғилистонда шахмат доналари ўзиға хос кўринишда ишланади. Чунончи, сипоҳлари қўлида камон ушлаган жангчи, қўтос, тойчоқли от, отлиқ киши, арслон ва бошқа шаклларда бўлади. Фарзин ўрнини эса инсоннинг яқин дўсти ва поданинг ишончли соқчиси бўлмиш ит тасвири эгаллаган. Руҳ ўрнида икки от қўшилган арава, гоҳо ўтов тасвирини кўриш мумкин.

Янги ҳаёт мўғул ўйинларига шахмат доналарига янгидан-янги шакллар ясаш имконини берди. Масалан, улар руҳни баъзан трактор, автомашина, ҳатто мотоциклга ўхшатиб ясайдилар.

Туваликлар шахматни «Шадираа» деб аташади. Шадирааниниг доналари шакли ҳам ўзгача. Улар кўпинча сипоҳларга туя тасвири беришни ёқтиришади.

Бурят шахмати эса «Шатир» деб номланган. Уларда фил ўрнида туя тасвирланган.

# ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Бу иборани жуда кўп эшитамиз. Аммо, афсуски, унга ҳамиша ҳам амал қилавермаймиз. Айниқса, нафси ўпқон бандалар, бойлик ортидан туну кун қувиб, кўзи тўймаган кимсалар бу- ни унутиб қўядилар.

Шаҳарсозликнинг узоқ йиллик тарихига эга юртимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳудудий чегаралар мустаҳкамлигига алоҳида эътибор берилди. Чегара ҳудудларида божхона масканлари ташкил қилиниб, фуқароларнинг мамлакат ҳудудига кириш-чиқиши қатъий назорат остига олинди. Натижада бизга олиб кирилаётган гиёҳванд моддаларнинг йўли тўсилди. Шунингдек, моддий ва маънавий бойликларнинг ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилишига чек қўйилди.

Бу борада Фарғонадаги 1-Сон «Аэропорт» божхона масканида олиб борилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовордир. Касбига садоқатни дилига жо қилиб фаолият кўрсатаётган божхона ходимлари ҳар бир рейсни мунтазам кузатиб турадилар. Тажрибали ходим Холматжон Жўраев бошчилик қилаётган мазкур божхона маскани ҳар куни моддий ва маънавий бойликларни ушлаб қолиб ўз эгаларига, яъни халқимизга қайтариб бераяптилар.

Шу йилнинг 17 сентябрь куни божхона нозири Жаҳонгир Исроилов «Самарқанд-Фарғона-Қозон» авиарейсида учаётган одамларни кузатаркан, фуқаро Тоҳиржон Исақовнинг бежо кўзлари диққатини тортди. Унга тегишли бўлган буюмлар кўздан кечирилганда божхона декларациясида кўрсатилмаган ҳолда ўзининг ички кийимлари орасига яширилган 590 АҚШ доллари борлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 162-моддасида кўрсатилган қоидабузарликни содир этган Тоҳиржон Исақовга Фарғона шаҳар суди томонидан 8750 сўм миқдорида жарима солиниб, АҚШ доллари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шунингдек, 13 октябр куни «Фарғона-Нукус-Москва» йўналиши бўйича учаётган Россия фуқароси Муродил Ҳошимов ҳам ички кийимлари орасига 350 АҚШ долларини яширишга ҳаракат қилган. Аммо, унинг уринишларини божхона ходимлари фош қилишди. Натижада Муродил Ҳошимов суд олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Фуқаро Лидия Властоснинг нафси ҳам ҳакалак отган экан. 15 октябр куни «Самарқанд-Фарғона-Қозон» йўналиши бўйича самолётда учаётган Л.Властос божхона кўригидан ўтказилаётганда қиймати 88562 сўм бўлган тилла тақинчоқлар ва қимматбаҳо тошлар олиб кетаётгани маълум бўлди.

1-Сон «Аэропорт» божхона маскани бош нозири Гуля Салямова тўхтатиб қолган фуқаро Лидия Властосга шаҳар суди томонидан тегишли ажрим чиқарилиб, тилла тақинчоқлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

- Албатта, бундай операцияларнинг амалга ошиши божхона ходимлари Бахриддин Илёсиддинов, Жаҳонгир Исроилов ва Зокиржон Исроиловларнинг ўта хушёрлиги натижасидир,- дейди 1-сон «Аэропорт» божхона маскани бошлиғи Холматжон Жўраев.

**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Биз билган ва билмаган дунё*

# ОЛТИН

Одамлар олтинни 6 минг йилдан бери қазиб чиқармоқдалар. Шу вақт ичида олтин безакдан жаҳон пулларига айланиб кетди, яъни савдо-сотиқда асосий восита бўлиб қолди. Ўзининг ажойиб физик-кимёвий хоссалари сабабли саноат ва техникада бу «сариқ металл» жуда ҳам кўп ишлатилмоқда. Инсоният шу даврга қадар тахминан 100 минг тоннача олтинни қазиб олган. Уни қазиб чиқариш асосан XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади, чунки бу пайтда Калифорния ва Австралияда янги олтин конлари топилган эди.

XX асрга келиб, пулнинг олтинга нисбатан қиймати камайиб борди, инфляция ошган сари одамлар ўз пулларига қимматбаҳо олтиндан ясалган турли буюм ва безаклар ёки унинг ўзини сотиб олишга ҳаракат қилишди. Бу эса давлат валютаси - пулнинг қадрсизланишига олиб келди. АҚШ журнали «Бизнес уик»нинг ёзишича, «Шу йиллари жаҳонда олтинни йиғиш бошланди, яъни одамлар олтин сотиб оладилар-у, лекин ҳеч ким уни сарф қилишни истамайди». Англияда чоп этиладиган иқтисодий журналда ёзилишича, ҳозир жаҳон омборларида тахминан 35-40 минг тонна олтин бор. Жанубий Африка Республикаси жаҳонда йиллик қазиб олинадиган олтиннинг 50 фоизини беради. «Замбия» журналида қайд этилишича, 1988 йил жаҳонда 1430 тонна олтин қазиб олинган. Бундан 709 тоннаси Жанубий Африка Республикасида 280 тоннаси собиқ иттифоқ, 105 тоннаси АҚШ, 52 тоннаси Канада, 65 тоннаси Хитой давлатлари улушига тўғри келади. Ҳозирда Жанубий Африка Республикасида жаҳондаги олтиннинг 70 фоизи қазиб олинмоқда. Бунинг учун 39 та шахтада 550 минг киши ишлайди. Кейинги 20 йил ичида (1991 йилгача) олтин қиймати ўртача 12-13 марта ошди.

Дунёда ҳеч қандай товар олтиндан кучли талабга эга эмас. «Сариқ олтин» учун оғирлик ўлчови троя унцияси (31,1 граммга тенг бўлиб, XIV-XV асрларда Сицилия ва Испаниядаги олтин пулнинг номи) ҳисобланади. Бир троя унция олтиннинг 1991 йилгача нархи 420-450 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1999 йилнинг августига келиб, у 255-260 долларга тенг бўлди. Яъни, олтиннинг нархи 40 фоизга арзонлашди. Бунга асосий сабаблардан бири Осиё мамлакатларидаги иқтисодий инқироз ҳамда жаҳон бозорига сотишга кўплаб олтиннинг чиқарилишидир. 1997-1998 йилларда Жанубий Кориядаги иқтисодий қийинчиликлар сабабли, халқ 30 тонна олтинни давлатга топширди.

Олтин фақат унциялар оғирлигида ўлчанмайди. Параллелопипед кўринишидаги оғирлиги 12,5 килограммли қуйма стандарт бўлаклар ҳам банкларнинг асосий маблағи ҳисобланади. Швейцария банклари оғирлиги 117 граммли плитка кўринишидаги олтинни кўплаб сотади. Уни асосан давлат банклари сотиб олади. Тахминан бутун олтин заҳираларининг ярми (МДҲдан ташқари) давлат омборларида сақланади. Энг катта олтин заҳираси АҚШда, Германияда, Франциядадир.Лекин бу давлатлар ҳудудларида олтин қазиб чиқариш жуда ҳам кам, айримларида эса йўқдир. Жаҳонда энг катта олтин заҳираси сақланадиган омбор АҚШ Федерал банкига тегишли.

Бизнинг курраи заминимизда ҳозирда йилига камида 1850 тонна олтин қазиб чиқарилмоқда. Бунинг 640 тоннаси заргарликда, 950 тоннаси электрон саноатида, компьютерлар ва турли космик аппаратларни ишлаб чиқаришда, 65 тоннаси тиш тайёрлашга сарфланади, қолганлари шахсий коллекционерлар қўлида ҳамда турли олтин тангалардир.

Республикамиз олтин ишлаб чиқаришда жаҳонда 7-ўринда туради. Олмалиқ, Мурунтов, Зарафшон, Учқудуқ ва бошқа олтин қазиб чиқарувчи конлар 8 йил ичида олтин қазиб чиқаришни бир неча ўн фоизга кўпайтирдилар. Навоий тоғ-металлургия комбинатида жаҳонда энг олий нав олтин ишлаб чиқарилмоқда ва бу олтин қуймалари Лондон, Токио биржаларида жуда қадрланаётир.

**И.ШЕРМУҲАМЕДОВ**
**тайёрлади.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73
пейдж 088 абн. № 5108

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти-21.00 Топширилди-21.30

Буюртма Г— 0919. 1 2 3 4 5 6